

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҚАРШИ ФИЛИАЛИ**

*“Ҳимояга рухсат этилди”
“Ахборот-таълим технологиялари”
кафедрасимудири _____
доц. У.Марасулова
«_____» _____ 2014й*

*«Касб-хунар коллежлари талабаларининг инглиз тилидан
билимларини мустақамлаида электрон кроссворд ва тестлардан
фойдаланиши»*

мавзусида

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи	_____	Каримова Д.Ш.
	Имзо	
Рахбар	_____	доц.Марасулова У.Н.
	Имзо	
Маслаҳатчи	_____	доц.Эшқораева Н.Ғ.
	Имзо	
ҲФХ Маслаҳатчиси	_____	доц.Рахимов О.Д.
	Имзо	

Қарши – 2014

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҚАРШИ ФИЛИАЛИ**

**КОМПЬЮТЕРИНЖИНИРИНГИ
факультети**

“Касб таълими (Информатика ва ахборот технологиялари)таълим йуналиши

«Тасдиқлайман»

каф. мудири

доц. У.Марасулова

«___» _____2014й

Битирув малакавий иши буйича

ТОПШИРИҚ

Талаба: Каримова Дилфия

1.Малакавий иш мавзуси: “Касб-ҳунар коллежлари талабаларининг инглиз тилидан билимларини мустаҳкамлашда электрон кроссворд ва тестлардан фойдаланиш”.

2.ТАТУ Қарши филиалининг№__сонли буйруғи билан____датасдиқланган.

3. Малакавий ишни топшириш муддати 11.06.2014й

4.Малакавий иш учун маълумотлар:*Ispring, HotPotatoes, ва Microsoft Excel дастурлари, инглиз тилидан сўзлар, электрон тест ва кроссвордлар яратиш буйича маълумотлар, Интернет материаллари.*

5.Ҳисобий изоҳ қисмининг мазмуни (ишлаб чиқилиши лозим бўлган саволлар рўйхати)*Ўқувчилар билимини назорат қилишда кроссворд ва тестларнинг аҳамияти, ISpring, HotPotatoes, ва Microsoft Excel дастурларининг электрон кроссворд ва тестларни яратишдаги имкониятлари, Ispring ва HotPotatoes дастурларида инглиз тилидан билимларни мустаҳкамлашга доир электрон кроссворд ва тестларни яратиш тавсифи.*

6. Чизмалар рўйхати (бажарилиши шарт бўлган чизма ва графиклар)

37 та график ва диаграммалар.

7. Малакавий иш буйича маслаҳатчилар

№	Бўлим номи	Маслаҳатчи	Топширик берилган сана	Маслаҳатчим зоси
1	Технологик ва педагогик қисм	Марасулова. У	24.01.14	
2	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	Рахимов. О	24.01.14	

8. Малакавий иши бажарилиши бўйича календар график режа

Хафталар сони	Маликавий ишнинг бўлимлари	Малакавий ишинингҳажми, бет	Умумий хажмга нисбатан, %	Бажарилганлиги тўғрисидаги белги	Изоҳ
24.01-05.02	Маълумотлар тўплаш, календар режа тузиш			бажарилди	
07.02-19.02	Кириш	5 бет	8 %	бажарилди	
21.02-05.03	1. Ўқувчилар билимини назорат қилишда кроссворд ва тестларнинг аҳамияти	6 бет	10 %		
07.03-26.03	2. ISpring дастурининг электрон тестлар яратишдаги имкониятлари.	7 бет	12 %		
	3. HotPotatoes ва Microsoft Excel дастурларининг электрон кроссвордлар яратишдаги имкониятлари	10 бет	17 %		
28.03-09.04	4. ISpring дастурида инглиз тилидан билимларни мустаҳкамлашга доир электрон тестлар яратиш тавсифи.	9 бет	15 %	бажарилди	
11.04-30.04	5. HotPotatoes дастурида инглиз тилидан билимларни мустаҳкамлашга доир электрон кроссвордлар яратиш тавсифи.	5 бет	8 %		
02.05-21.05	6. Электрон кроссворд ва тестлардан фойдаланиш бўйича қўлланма.	4 бет	7 %		
23.05-28.05	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	8 бет	12 %	бажарилди	
30.05-04.06	Хулоса ва таклифлар	2-бет	3 %	бажарилди	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	2-бет	3 %		
06.06-11.06	БМИ ни умумлаштириш ва дастлабки ҳимоя				

Малакавий иш раҳбари: _____

Топширик олинган кун: _____

Талаба: _____

Аннотация

Ушбу битирув малакавий ишида электрон кроссворд ва тестларни яратиш усуллари ёритилган. Шу билан бирга HotPotatoes ва ISpring дастурларида инглиз тилида электрон кроссворд ва тестлар яратилган.

Аннотация (рус тилида)

В данной выпускной квалификационной дипломной работе освещены методы создания электронных тестов и кроссвордов. Также создана электронные тесты и кроссворды в программы HotPotatoes и ISpring на английском языке.

The summary

In the given final qualifying this methods creation electronic tests and crossword puzzles are shined. Also it is created electronic tests and crossword puzzles in programs HotPotatoesandISpringin English.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ ЭЛЕКТРОН КРОССВОРД ВА ТЕСТЛАРНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛГИЯЛАРИ	8
1.1 Ўқувчилар билимини назорат қилишда кроссворд ва тестларнинг аҳамияти.....	8
1.2 Ispring дастурининг электрон тестлар яратишдаги имкониятлари	13
1.3 HotPotatoes ва Microsoft Excel дастурларининг электрон кроссвордлар яратишдаги имкониятлари.....	20
II БОБ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЭЛЕКТРОН КРОССВОРД ВА ТЕСТЛАРНИ ЯРАТИШ	31
2.1 Ispring дастурида инглиз тилидан билимларни мустаҳкамлашга доир электрон тестлар яратиш тавсифи.....	31
2.2 HotPotatoes дастурида инглиз тилидан билимларни мустаҳкамлашга доир электрон кроссвордлар яратиш тавсифи.....	40
2.3 Электрон кроссворд ва тестлардан фойдаланиш бўйича қўлланма.....	45
III БОБ ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ	49
ХУЛОСА	58
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	60

КИРИШ

Ахборот коммуникацион технологияларини жадал суратлар билан ривожланиши натижаси таълимда бир қатор ислохотлар ўқатишни талаб қилмоқда. Таълим тизимидаги ислохотларни амалда жорий қилишда бугунги кунда таълим жараёнининг муҳим қисми бўлган, тилларни ўрганиш, машғулотлар самарадорлигини ошириш, ўқитишни илғор педагогик технологияларини қўллаш асосида ўқувчилар ва талабаларга жаҳон андозалардаги билим, кўникма, малакаларни шакллантириш ўқув жараёнинимоддий – техника ва ахборот базаси билан таъминлаш юқори даражалималакали кадрларни тайёрлаш, сифатли ўқув – услубий, илмий ҳамда дидактик материаллар яратиш, таълим тизими фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро самарали алоқадорлик ўрнатиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда таълимда илғор педагогик технология ва ахборот технологияларни жадал тадбиқ этиш, таълим жараёнини компьютерлаштириш етакчи педагогик – методик ғояга айланган. Таълим жараёнида ахборот ресурслари дейилганда электрон шаклга келтирилган маҳсулот тушунилади. Электрон воситалардан фойдаланган ҳолда уларни намойиш этиш ёки эшитиш орқали олинган билим, кўникма ва малака жараёни таълим жараёни деб тушунилади. Электрон ресурсларни таснифлаш мазмунига кўра бир неча йўналиш бўйича амалга оширилиши мумкин:

- Интернет ресурслар, оффлайн ресурслар, «электрон доска» ватехник воситалар; Контентнинг таркибига кўра-электрон маълумотномалар, викториналар, луғатлар, дарсликлар, лаборатория ишлари;
- Тақдим этилиш турига кўра мультимедиа-ресурслар, презентация ресурслари;

- Контентнинг ташкил топишига кўра-маъруза ресурслари, амалий ресурслар, имитатор-ресурслар (тренажёрлар), назорат-ўлчов материаллари;

Ҳозирда мамлакатимизда ахборот технологияларни ривожлантиришга, давлат бошқарувида ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш, аҳоли ва бизнес вакилларига интерактив давлат хизматларини кўрсатишга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Биз ўзимизга шуни аниқ тасаввур этишимиз керакки, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади. Биз қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг кўплаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур” дея таъкидлаган эди.[1]

Битирув малакавий ишининг долзарблиги. Мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши, ахборот-коммуникация технологияларини фаол ўзлаштириши, замонавий касб-ҳунар, хорижий тилларни ўрганиши учун барча имкониятлар яратилган. Бугун ёшларимиз ана шундай улкан имкониятлардан самарали фойдаланмоқда. Хусусан, таълим тизимининг барча босқичларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида юз минглаб ўғил-қизларимиз муайян мутахассислик бўйича таълим олиш билан бирга чет тилларини ҳам пухта ўрганмоқдалар.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

ПҚ-1875 сонли қарори билимли, зукко йигит-қизлар сафини янада кенгайтириш, уларнинг халқаро кўламда илм олишга бўлган қизиқишини кучайтириш, хорижий тилларни билиш даражасини юксалтиришда дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу Қарор мамлакатимизда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратмоқда.

Мамлакатимизда чет тилларини ўрганишга бўлган бундай эътибор чет тилларни ўқитишда илғор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланишни тақозо этади. Ўқувчилар билимини назорат қилишнинг тест шаклидан фойдаланиш ва ўқувчиларнинг инглиз тилидан билимларини мустаҳкамлашда қизиқарли электрон кроссвордларни қўллаш янада самаралидир. Шунинг учун ҳам “Касб-ҳунар коллежлари талабаларининг инглиз тилидан билимларини мустаҳкамлашда электрон кроссворд ва тестлардан фойдаланиш” мавзусини долзарб деб ҳисоблаш мумкин.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Мазкур битирув малакавий ишининг асосий мақсади касб-ҳунар коллежи талабалари учун инглиз тилидан билимларини мустаҳкамлашга мўлжалланган электрон кроссворд ва тестларни яратишдан иборат. Шу билан биргаликда талабалар билимини назорат қилишда кроссворд ва тестларнинг аҳамияти, уларнинг турлари ва уларни яратиш технологияларини тадқиқ қилиш кўзда тутилган.

Кўзланган мақсадни амалга ошириш учун битирув малакавий ишини бажаришда қуйидаги вазифалар қўйилди:

1. Ўқувчилар билимини назорат қилишда кроссворд ва тестларнинг аҳамиятини ўрганиш.
2. Кроссворд ва тестларнинг турларини ўрганиш.

3. ISpring, HotPotatoes, va Microsoft Excel дастурларининг электрон кроссворд ва тестларни яратишдаги имкониятларини кўрсаташ.

4. Ispring дастурида инглиз тилидан билимларни мустаҳкамлашга доир электрон тестлар яратиш тавсифини келтириш.

5. HotPotatoes дастурида инглиз тилидан билимларни мустаҳкамлашга доир электрон кроссвордлар яратиш тавсифини келтириш.

6. Электрон кроссворд ва тестлардан фойдаланиш бўйича қўлланма яратиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. ISpring, HotPotatoes, va Microsoft Excel дастурлари ҳамда электрон кроссворд ва тестларни яратиш усуллари хизмат қилади.

Тадқиқот усуллари. Битирув малакавий ишида инглиз тилини ўрганиш курси материаллари шу билан бирга электрон кроссворд ва тестларни яратишга мўлжалланган дастурлардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаси. Ўқувчилар билимини назорат қилишда кроссворд ва тестларнинг аҳамияти, кроссворд ва тестларнинг турлари ўрганилди. ISpring, HotPotatoes, va Microsoft Excel дастурларининг электрон кроссворд ва тестларни яратишдаги имкониятлари кўрсатиб берилди. Ispring дастурида инглиз тилидан билимларни мустаҳкамлашга доир электрон тестлар яратишдаги ва HotPotatoes дастурида инглиз тилидан билимларни мустаҳкамлашга доир электрон кроссвордлар яратиш тавсифларикелтирилди. Яратилган электрон кроссворд ва тестлардан фойдаланиш бўйича қўлланма ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишининг тузилмаси ва ҳажми. Ушбу битирув малакавий иши кириш қисми, 2 та боб, 6 та параграф, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатиданиборат. Битирув малакавий ишининг асосий қисми машина матнида ёритиб берилган ҳамда 37та расмни ўз ичига олади.

Битирув малакавий ишнинг биринчи бўлимида ўқувчилар билимини назорат қилишда кроссворд ва тестларнинг аҳамияти, уларнинг турлари,

ISpring, HotPotatoes, va Microsoft Excel дастурларининг электрон кроссворд ва тестларни яратишдаги имкониятлари келтирилган.

Иккинчи бўлимда эса Ispring дастурида инглиз тилидан билимларни мустаҳкамлашга доир электрон тестлар яратишдаги, HotPotatoes дастурида инглиз тилидан билимларни мустаҳкамлашга доир электрон кроссвордлар яратишдаги тавсифлари келтирилган. Шунингдек, яратилган электрон кроссворд ва тестлардан фойдаланиш бўйича қўлланма ишлаб чиқилган.

Хулоса қисмида барча тадқиқот ишининг асосий натижалари қисқача баён этилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида 15та адабиёт келтирилган.

I-БОБ.ЭЛЕКТРОН КРОССВОРД ВА ТЕСТЛАРНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

1.1 Ўқувчилар билимини назорат қилишда кроссворд ва тестларнинг аҳамияти

Талабалар томонидан ўқув материаллари ўзлаштирилганлигини, кўникма ва малакалар ҳосил бўлганлигини текшириш ва баҳолаш таълим жараёнининг зарур таркибий қисми ҳисобланади. Бу фақат ўқитиш натижаларини назорат қилиш эмас, балки ўқув жараёнининг турли босқичларида талабаларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамдир. Баҳолаш –таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир.

Билимларни текшириш ва баҳолашнинг таълимий аҳамияти шундан иборатки, бунда ўқув материалининг ўзлаштирилганлиги ҳақида профессор-ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам муайян маълумотга эга бўлади. Профессор-ўқитувчилар ўз ишининг афзалликларига ва камчиликларига танқидий баҳо беради. Ўз иш методларига тузатишлар киритади. Шунингдек, баҳолаш натижалари талабаларнинг ўқув дастуридаги материалларни талабаларнинг билиш имкониятлари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши ва баҳолаши учун ҳам жуда муҳимдир.

Баҳолаш натижасида тушунча ва қонун- қоидаларнинг қайси бирлари қийин, қайси бирлари эса осон ўзлаштирилиши аниқ- равшан бўлади. Бу талабаларнинг ижодий тарзда дарсга тайёргарлик кўриши ва ўқув машғулотини ўтказиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Худди шунингдек, талабага ҳам таълим жараёнида қайси ўқув материални яхши, қайсинисини қониқарли ва нимани ёмон ўзлаштиргани маълум бўлади.

Билимларни текширмасдан талаба ўз билимларини чуқур, ҳар томонлама ва тўғри баҳолашга қодир эмас. Баъзан унга гуё у ўқув материални яхши эгаллаб олгандай туюлади, текшириш чоғида эса материални яхши билмаслиги, яхши тушунмаслиги маълум бўлиб қолади. Баҳолаш натижасида, талабаларнинг ўрганилаётган материалларни билиш, тушуниш, эса сақлаб қолиш, англаб олиш, амалда қўллай олиш, таҳлил қилиш ва ўз билимларига танқидий баҳо бериш даражалари аниқланади. Билимларни, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ва баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда талабаларнинг ўқишга, ўз ютуқлари ва муваффақиятсизликларига нисбатан муносабати шаклланади, қийинчиликларни енгиш истаги туғилади. Баҳолаш ҳамisha талабанинг шахс сифатида ўзига нисбатан муайян бир муносабатини ҳосил қилади.

Профессор-ўқитувчилар ҳам талабаларнинг ўзига нисбатан муносабатини, туйғуларини, унинг характеридаги иродалилик, ҳамкорлик, ўзаро бир-бирига ёрдам бериш каби сифатларини шакллантиришга қаратиши лозим бўлади [13].

Баъзан баҳолаш жараёнида талаба кўшимча билим, кўникма ва малакаларга ҳам эришади. Таълим жараёнида ўзлаштирмаган тушунчаларнинг моҳиятига тушуниб етади. Шу боис, баҳолашни таълимолиш жараёнининг давоми деб ҳам айтиш мумкин.

Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш давлат аҳамиятига эгадир. Баҳолаш натижаларини умумлаштириб, таълим муассасаси жамоасининг таълим — тарбия соҳасидаги фаолиятига, талабаларнинг умумий ўзлаштириш даражасига баҳо берилади ва тегишли хулосалар чиқарилади.

Давлат таълим стандартларида давлат томонидан қўйилган талаблар нечоғлик бажарилаётганлиги аниқланади. Натижаларни баҳолаш орқали бир пайтнинг ўзида бутун таълим тизими ва унинг компонентлари текширилиб кўрилиши керак. Билимларни мунтазам баҳолаб бориш таълим режаси, унинг

катта кичик бўлимлари асосида амалга оширилади. Таълим тизими натижалари муайян стандарт меъёри орқалиифодаланади.

Баҳолаш натижасида нафақат талабаларнинг, балки профессор-ўқитувчиларнинг кучли ва кучсиз томонлари, шунингдек, ўқув жараёнидаги камчиликлар ҳам аниқланади. Таълим воситалари, режалар, таълим жараёнини ташкил этиш сифатига ҳам баҳо берилади.

Таълим дастурини қисм бўлаклари бўйича мунтазам баҳолаб боришохир — оқибат аниқ ва адолатли баҳоланиш шаклланишга олиб келади. Кичик бўлимлар бўйича баҳолаш, жамлаш ва умумлаштириш якуний баҳолашнинганиқ бўлишига ёрдам беради.Талабанинг мунтазам равишда ўз натижалари тўғрисида хабардор қилиб туриш, унинг мақсад сари интилиши ваистакларини рўёбга чиқаришга ижодий таъсир кўрсатади.

Берилаётган билим, ҳосил қилаётган кўникма ва малакалар қай даражада ўзлаштирилганини аниқлаш ва баҳолаш ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларни аниқлашда эса турли форма ва методлардан фойдаланилади. Жумладан, савол ва жавоблар, суҳбат, ёзма ишлар коллеквиум, семинар, синов, имтиҳонлар ўтказиш ва бошқалар. Юқорида қайд қилинган форма ва методларга нисбатан тест топшириқлари асосида синовлар ўтказиш ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлашда ҳамда баҳолашда анча қулай ва самарали йўллардан бири ҳисобланади. Тестлардан фойдаланиш ҳозирги куннинг асосий талабларидан биридир. Бу эса билим, кўникма ва малакалар қай даражада ўзлаштирилганини (қай даражада) ва баҳолашнинг объектив миқдорига бўлган зарурият билан боғлиқдир. Тест — инглизча сўз бўлиб, «тестр», яъни «текшириш» маъносини билдиради. Тестлардан фойдаланиш ҳақидаги дастлабки маълумотлар инглиз олими Фишернинг 1864 йилда эълон қилинган «Scale books» китобида, Америка олими Ж.И.Ройошнинг «Орфография — билимларни текшириш» жадвалида (1884), немис олими Эббенгауснинг (1897) нуктали бўлиб қолдирилган матнларида келтирилган. XIX асрнинг дастлабки ўтган йилида мактабда ўзлаштиришни

аниқлашга хизмат қилувчи тестлар Германияда, кейинчалик АҚШда яратилиб янада ривожлантирилган. Ҳозирги пайтда бундай тестлар Буюк Британия, Скандинавия, Нидерландия, Туркия, АҚШ, Германия мактабларида муваффақият билан қўлланиб келинмоқда. Тестлар умуман қуйидаги қисмларга бўлинади:

- а) психологик;
- б) педагогик;
- с) социологик.

Психологик тестлар — шахснинг психологик хусусиятларини, унинг интеллектуал томонларини ўрганади ва аниқлайди. Педагогик тестлар таълим-тарбия жараёнида билимлар даражасини аниқлайди. Социологик тестлар — шахснинг ижтимоий томонларини ўрганади ва аниқлайди. Бу кўпроқ педагогик тестлар ҳақида тўхталиб ўтишимизга тўғри келади.

Педагогикада қўлланадиган тестлар предмет тестлари деб аталади. Предмет тестлари ҳар бир предметдан ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш, умумлаштириш, системалаштириш, ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва баҳолаш мақсадларига қаратилиши мумкин. Ўқув йили давомида таълим-тарбия жараёнида юқоридаги тест формаларининг исталганидан фойдаланиш мумкин. Битириш ва кириш имтиҳонларида программалаштирилган тестлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир [15].

Тест варианты қанча кўп бўлса, синов натижаси шунча объектив бўлади. Тестлар энг камида икки вариантда тайёрланиб, синалувчиларнинг маълум бир қисмига (I вариант (ёки А вариант) маълум бир қисмига II вариант (ёки Б вариант) қўлланилишини тавсия этамиз. Тестга кирувчи топшириқлар сони синовнинг қачон ўтказилишига, дастурдаги материал ҳажмининг катта ёки кичиклигига боғлиқ. Ўқув йили давомида қўлланиладиган тестлар 1 соатга, синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларида қўлланиладиган тестлар 2 соатга мўлжалланиши мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир топшириқни бажаришга сарфланадиган вақт 1 минутдан 3 минутгача, ўртача ҳар бир топшириққа ажратиладиган вақт 2

минут атрофида бўлиши мумкин. Шунга амал қилиб тузилган тестларнинг ҳар бир вариантыдаги топшириқлар сони: агар синов 1 соатга мўлжалланган бўлса — 25 та, агар синов 2 соатга мўлжалланган 50 та атрофида бўлади. Топшириқлар 1,2,3... х бўлиши, уларнинг жавоблари эса алфавит бўйича (А, В, С, D, E) ҳарфлар билан белгилангани маъқул. Тест топшириқларини махфий ҳолда тайёрланиши ва топшириқларнинг тўғри жавоблари (яъни калити) фақат унга жавобгар шахсда бўлиши, синов тугагандан сўнг текширувчига шахсан берилиши яна қайтариб олиниши шарт. Тест синови калитлари баҳолаш меъёри қуйидагича: Баҳолаш 5 балли система асосида бўлганлиги учун, тестга кирувчи умумий топшириқлар сони «5» (баҳо)га бўлиниб, ҳар бир баҳога тўғри келувчи, тўғри жавоблар сони белгилаб олинади. Масалан: тестдаги умумий топшириқлар сони 25 та бўлиб, мураккаблик даражаси бўйича уларнинг ҳаммаси бир хил балл билан белгиланган бўлса, 5 га бўлинганда 5 чиқади. Демак, 25 та топшириқнинг ҳар 5 та тўғри жавобига «1» баҳо қўйиш мумкин. Яъни,

1-5 тўғри жавоб - «1» баҳо;

6-10 тўғри жавоб - «2» баҳо;

11-15 тўғри жавоб - «3» баҳо;

16-20 тўғри жавоб - «4» баҳо;

21-25 тўғри жавоб - «5» баҳо. Тест топшириқларини тузишда қуйидаги принципларига амал қилинади.

- 1) Илмийлик;
- 2) Изчиллик;
- 3) Ихчамлик ва аниқлик;
- 4) Формал эмаслик;
- 5) Мантиқий кетма-кетлик;
- 6) Тизимлилиқ;
- 7) Умумийлик ва хусусийлик;
- 8) Оддийлик ёки мураккаблик;
- 9) Кўргазмалилик;

- 10) Назария билан амалиётнинг боғлиқлиги;
- 11) Тафаккурни ривожлантириш;
- 12) Ижодийлик;
- 13) Мустақиллик ва онглилик;
- 14) Табақалаштириш, яъни ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;
- 15) Тарбиявийлик;
- 16) Ўқув дастурига мослик;
- 17) Вақт жиҳатдан объективлик;
- 18) Қўллашга мумкинлик.


Юқоридаги принципларга амал қилинган ҳолда тузилган тестлар юқори сифатли, самарали бўлади [14].

1.2 Ispring дастурининг электрон тестлар яратишдаги имкониятлари

Электрон тестларни яратишда бугунги кунда кенг тарқалган Ispring дастуридан фойдаланиш мумкин. Ispring дастури қуйидаги турдаги тестларни яратиш учун мўлжалланган:

- a) “Ҳа” ёки “Йўқ” типдаги иккита жавобдан бирини танлаш шарт бўлган тестлар;
- b) Анъанавий типдаги кўп жавоблардан биттасини танлаш шарт бўлган тестлар;
- c) Кўп жавоблардан бир нечтасини танлаш мумкин бўлган тестлар;
- d) Тўғри жавобни кўрсатилган жойга ёзиш керак бўлган тестлар;
- e) Бир нечта жавоблардан ўзаро мувофиқларини топишга асосланган тестлар;
- f) Тартибсиз ҳолда берилган сўзларни тўғри тартибда ёзиш керак бўлган тестлар;
- g) Сонларни таққослашга доир тестлар ва ҳакозо;


Ispring дастурини ишга тушириш қўйидагича амалга оширилади: ПУСК
→ Все программы → ISpring Suite → ISpring QuizMaker (1.2.1-расм).



1.2.1-расм- ISpring QuizMaker дастурини ишга тушириш

Юқорида санаб ўтилган тестларни яратишни бирма бир кўриб чиқиш мумкин.

- а) “Ҳа” ёки “Йўқ” типдаги иккита жавобдан бирини танлаш шарт бўлган тестларни яратиш (1.2.2-расм):




1.2.2-расм. “Ҳа” ёки “Йўқ” типдаги иккита жавобдан бирини танлаш шарт бўлган тестларни яратиши.

Бундай тестлардан “Ҳа” ёки “Йўқ” типдаги иккита жавобдан бирини танлаш керак бўлган ҳолларда фойдаланилади. Масалан, Ўзбекистон БМТга аъзоми?

- Ҳа
- Йўқ

Савол қуйидаги кўринишда ҳосил бўлади (1.2.3-расм):




1.2.3-расм. “Ҳа” ёки “Йўқ” типдаги иккита жавобдан бирини танлаш шарт бўлган саволнинг кўриниши.

б) Анъанавий типдаги кўп жавоблардан биттасини танлаш шарт бўлган тестларни яратиш (1.2.4-расм).


Бундай тестлардан анъанавий типдаги кўп жавоблардан биттасини танлаш шарт бўлган ҳолларда фойдаланилади. Масалан, А.Навоий қачон туғилган?

- 1505 йилда
- 1305 йилда
- 1455 йилда
- 1441 йилда



1.2.4-расм. Анъанавий типдаги кўп жавоблардан биттасини танлаш шарт бўлган саволнинг кўриниши.

с) Кўп жавоблардан бир нечтасини танлаш мумкин бўлган тестларни яратиш (1.2.5-расм):




1.2.5-расм. Кўп жавоблардан бир нечтасини танлаш мумкин бўлган саволнинг кўриниши.

Бундай тестлардан кўп жавоблардан бир нечтасини танлаш мумкин бўлган ҳолларда фойдаланилади. Масалан, Ахборотнинг ўлчов катталикларини кўрсатинг:

- Дьюм
 - Мега байт
 - Кб/мин
 - Бит
- d) Бир нечта жавоблардан ўзаро мувофиқларини топишга асосланган тестларни яратиш (1.2.6-расм).


Бундай тестлардан бир нечта жавоблардан ўзаро мувофиқларини топиш керак бўлган ҳолларда фойдаланилади. Масалан,

Катта	Узун
Баланд	Кичик
Қисқа	Ёмон
Яхши	Паст



1.2.6-расм. Бир нечта жавоблардан ўзаро мувофиқларини топишга асосланган саволнинг кўриниши.

е) Тартибсиз ҳолда берилган сўзларни тўғри тартибда ёзиш керак бўлган тестларни яратиш (1.2.7-расм).




1.2.7-расм. Тартибсиз ҳолда берилган сўзларни тўғри тартибда ёзиш керак бўлган саволнинг кўриниши.

Бундай тестлар тартибсиз ҳолда берилган сўзларни тўғри тартибда ёзиш керак бўлганда қўлланилади. Масалан, қуйида келтирилган ахборот катталикларини ўсиш тартибида жойлаштиринг:

- Мега байт
- Бит
- Гига байт

- f) Тўғри жавобни кўрсатилган жойга ёзиш керак бўлган тестларни яратиш (1.7.8-расм).




The screenshot shows a quiz preview window titled "Quiz Preview" with a sub-header "Quiz 1". Below the header, it indicates "Question 1 of 1" and "Point Value: 10 / Total Points: 0". The question text is "Axborot qaysi kattaliklarda o'lchanadi?". Below the question, there is a text input field containing the word "axborot" followed by a small empty box and the text "larda o'lchanadi."

1.2.7-расм. Тўғри жавобни кўрсатилган жойга ёзиш керак бўлган саволнинг кўриниши.

Бундай тестлар тўғри жавобни кўрсатилган жойга ёзиш керак бўлган ҳолларда қўлланилади. Масалан, сўзларни тўғри жойлаштириш: Ахборот ____ ларда ўлчанади.

- g) Матн ичида мувофиқ сўзни киритиш керак бўлган тестларни яратиш (1.2.8-расм).




The screenshot shows a quiz preview window titled "Quiz Preview" with a sub-header "Quiz 1". Below the header, it indicates "Question 1 of 1" and "Point Value: 10 / Total Points: 0". The question text is "So'zlarni to'g'ri joylashtiring". Below the question, there are two sentences with dropdown menus. The first sentence is "The sun is" followed by a dropdown menu showing "yellow". The second sentence is "Milk is" followed by a dropdown menu showing "Choose an answer". Below the second dropdown menu, there is a list of options: "green", "black", "blue", and "white".

1.2.8-расм. Матн ичида мувофиқ сўзни киритиш керак бўлган саволнинг кўриниши.

Бундай тестлардан матн ичида мувофиқ сўзни киритиш керак бўлган ҳолларда фойдаланилади. Масалан, *The sun is yellow, green, black, white, blue.*

h) Матндаги сўзларни тўғри жойлаштириш керак бўлган тестларни яратиш (1.2.9-расм).




1.2.8-расм. Матндаги сўзларни тўғри жойлаштириш керак бўлган саволнинг кўриниши.

Бундай тестлардан матндаги сўзларни тўғри жойлаштириш керак бўлган ҳолларда фойдаланилади. Масалан _____нинг Давлат тили _____тилидир. (*Ўзбекистон, ўзбек*) [12].

1.3 HotPotatoes ва Microsoft Excel дастурларининг электрон кроссвордлар яратишдаги имкониятлари


Электрон кроссвордларни яратишда бугунги кунда кенг тарқалган HotPotatoes ва Microsoft Excel дастурларидан фойдаланиш мумкин. Бу дастурларнинг электрон кроссвордларни яратишдаги имкониятларини кенгроқ кўриб чиқамиз.

Microsoft Excel дастурининг электрон кроссвордлар яратишдаги имкониятлари. Microsoft Excel дастурини ишга тушириш қуйидагича амалга оширилади: ПУСК → Все программы → Microsoft Office → Microsoft Office 2010 (1.3.1-расм).




1.3.1-расм. Microsoft Excel дастурини ишга тушириши.

Microsoft Excel дастурини ишга туширганда унинг стандарт ойнаси экранда пайдо бўлади. Microsoft Excel дастури ойнасининг пастки қисмида одатда учта лист (китоб) жойлаштирилган бўлади. Уларни қайта номлаш усун курсорни листнинг устига олиб бориб, ўнг тугмани босиб, Переименовать бандини танлаш ва керакли номни ёзиш мумкин (1.3.2-расм). Масалан, биринчи листни “Титул варағи”, иккинчи листни “Кроссворд” ва учунчи листни “Натижани текшириш” деб номлаб оламиз.




1.3.2-расм. Microsoft Excel дастурида листларни қайта номлаш.

Аввало “Кроссворд” листида ишлаймиз. Устун ва қатор ўлчамларини ўзимизга қулай қилиб ўзгартирамиз. Бунинг учун устун ва қатор кесишган юқори чап бурчакни сичқонча билан белгилаймиз. Сўнгра устун ва қатор учун кетма-кет ихтиёрий катак чизиғи устида сичқонча кўрсаткичини суриш орқали уларнинг ўлчамини ўзгартирамиз. Масалан 22,50 (30 пиксель) ўлчамида. Уни қуйидаги 1.3.3-расмда кўриш мумкин [11].




1.3.3-расм. Microsoft Excel дастурида устун ва қатор ўлчамларини ўзгартириш.

Кроссворд листнинг ихтиёрий қисмига rabbit, black ва october сўзларини 1.3.4-расмда кўрсатилганидек ёзиб оламиз. Листнинг хусусиятларини ўзгартириб, фон учун расм қўйишимиз мумкин.




1.3.3-расм. Microsoft Excel дастурида лист хусусиятларини ўзгартириш.

Шундан сўнг “Натижани текшириш” листига ўтилади ва “rabbit” сўзидан кейинги каталка “=” белгиси қўйилади ва формуладан СЦЕПИТЬ банди танланади. ОК тугмаси босилади (1.3.4-расм).




1.3.4-расм. СЦЕПИТЬ функцияси билан ишлаш.

Сўнгра экранда янги ойна пайдо бўлади. Бу ойнанинг Текст1 деб кўрсатилган бўш жойига сичқонча ёрдамида “rabbit” сўзи жойлашган блокни кўрсатилади. Кейин ОК тугмаси босилади (1.3.5-расм).



1.3.5-расм. СЦЕПИТЬ функцияси ёрдамида иккита сўзни таққослаш


Шундан сўнг C2 катакда ҳам, D2 катакда ҳам “rabbit” сўзи пайдо бўлади. Энди E2 катакка ЕСЛИ функциясини чақирамиз (1.3.6-расм).



1.3.6-расм. ЕСЛИ функцияси билан ишлаш.


ОК тугмаси босилгандан сўнг экранда янги ойна ҳосил бўлади. Бу ойнанинг лог_выражение деб кўрсатилган бўш жойига C2=D2 деб ёзилади.

Значение если истина деб кўрсатилган бўш жойга 1, Значение если ложь деб ёзилган бўш жойга 0 ни ёзамиз (1.3.7-расм). Бу амални барча сўзлар учун бажарамиз.



1.3.7-расм. ЕСЛИ функциясида фикрлар билан ишлаш.

Энди “Титул варағи” листига ўтилиб, D6 катакка СУММ функцияси чақириб олинади (1.8.8-расм).




1.3.8-расм. СУММ функциясини қўллаш

ОК тугмаси босилгандан сўнг янги ойна ҳосил бўлади. Шу ойнада сичқонча ёрдамида “Натижани текшириш” листига ўтилиб, E2, E3 ва E5


бу дастурда ишлаш фойдаланувчи учун анча қулай. Яъни, қулай интерфейс ва дизайнга эга. Бу дастурларнинг электрон кроссвордларни яратишдаги имкониятларини кенгроқ кўриб чиқамиз.

HotPotatoes дастурининг электрон кроссвордлар яратишдаги имкониятлари. HotPotatoes дастурини ишга тушириш куйидагича амалга оширилади: ПУСК → Все программы → HotPotatoes → JCross(1.3.11-расм).




1.3.11-расм. HotPotatoes дастурини ишга тушириши.

HotPotatoes дастури ишга тушгандан сўнг экранда унинг ишчи ойнаси ҳосил бўлади. Бу ойнанинг юқори қисмидаги буйруқлар қаторида “Управление сеткой” буйруғи жойлашган [9]. Унинг контекст менюсидан “Автоматическая сетка” бандини танлаймиз (1.3.12-расм).




1.3.12-расм. *HotPotatoes* дастурида сеткани танлаш.

Шундан сўнг янги ойна ҳосил бўлади. Бу ойнанинг ўрта қисмига кроссвордга критилиши лозим бўлган сўзларни кетма-кет, алоҳида-алоҳида қатордан ёзилади. Масалан, DOVUL, RUSTAM, APREL JUMA ва NEXIA. Барча сўзлар киритиб бўлингандан сўнг “Создать сетку” тугмаси босилади (1.3.13-расм).



1.3.13-расм. *HotPotatoes* дастурида сўзларни киритиш.

HotPotatoes дастурининг афзаллиги шундаки, бу дастур кроссвордга киритилиши керак бўлган сўзларни автоматик равишда ўзи жойлаштиради. Лекин уни қўлда ўзгартириш ҳам мумкин (1.3.14-расм).



1.3.14-расм. HotPotatoes дастурида сўзларнинг жойлаштирилиши

Энди киритилган сўзлар хақида тушунчалар критамиз. Бунинг учун асосий ойнадаги “Определения” тугмаси босилади. Масалан, DOVUL – табиат ходисаси, RUSTAM – йигитлар исми, APREL – ой номи, JUMA – хафта куни номи ва NEXIA – автомобиль русуми (1.3.15-расм).




1.3.15-расм. Сўзларга тушунчалар бериши.

Энди тайёр бўлган кроссвордни HTML форматада сақлаш мумкин. Бунинг учун куйидаги амаллар бажарилади: Файл → Создать Вебстраницу → Вебстраница для v6. Яратилган кроссвордни браузерда кўришимиз мумкин [9] (1.3.16-расм).

Crossword

Marhamat, krosswordni bajaring.



[Tekshirib ko'rish](#)

Gorizontal bo'yich **Vertikal bo'yicha**

- | | |
|----------------------|--------------------|
| 2. йигитлар исми | 1. табиат ходисаси |
| 5. автомобиль русуми | 3. ой номи |
| | 4. hafta куни номи |

1.3.16-расм. *HotPotatoes* дастурида яратилган кроссворднинг кўриниши.

Кроссвордни бажариб бўлиб, “Текшириб кўриш” тугмаси босилса, бажарувчининг олган балини кўриш мумкин.

II БОБ. ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЭЛЕКТРОН КРОССВОРД ВА ТЕСТЛАРНИ ЯРАТИШ.

2.1 Ispring дастурида инглиз тилидан билимларни мустаҳкамлашга доир электрон тестлар яратиш тавсифи

Тестлардан дастлаб фақат босма кўринишидагисидан фойдаланган бўлсак, ҳозирда уларни компьютерда териб, ҳар бир ўқувчи билан шуғулланиш мумкин. АКТдан фойдаланиб ўқув фанлари бўйича турли тестларни тайёрлаш мумкин. Энди дарсларда фақат босма шаклдаги эмас, балки компьютерли тестлардан фойдаланиш зарур. Улар бажариб бўлиши билан дарҳол баҳосини олишга имкон беради, баҳони компьютернинг ўзи тақдим этади, у ёки бу мавзу бўйича камчиликларини аниқлашларига имкон беради. Асосийси: тест топшириқларини бажаришда ўқувчининг кўзи, мияси ва қўллари иштирок этади, ўйин элементлари эса уларда бажараётган ишларига қизиқишни ривожлантиришга ва демак, таълим жараёни жадаллиги керакли даражасини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Тестлардан ташқари кроссвордлар, схемалар, жадваллардан фойдаланилади, ўқувчилар дарс материалларни мустақил ўрганишда бевосита компьютерда ишлайдилар.

Ispring дастурида инглиз тилидан билимларни мустаҳкамлашга доир электрон тестларни яратишдан олдин тест саволларини яратиш лозим бўлади. Биз Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчи курслари учун мўлжалланган (Book 1 Part A Elementary Test 1 *PART ELEMENTARY TEST - 1*) тестлардан фойдаланамиз [8]. Тақдим этилаётган тестлар бир неча вариантлардан иборат. Барчага тушунарли бўлсин учун нисбатан осонроқ бўлган биринчи вариантни танлаймиз. Биринчи вариантнинг саволлари қуйидагича:

1. A- Hello, what _____ your name?
A) is B) are C) am D) be
2. _____ name is John. And my _____ is Johnson.
A) Your / surname B) My / surname
C) I / surname D) I / name
3. My name is Lisa. _____ Lisa Peterson.
A) My am B) I is C) I am D) I
4. _____ name is Apple. _____ Ann Apple.
A) His / She B) His / He's C) Her / She's D) His / His
5. "Where _____ John from?"
"_____ from the US."
A) is / He's B) is / His C) am / He's
D) is / She's
6. _____ are you from? Japan.
A) What B) Who C) Where D) When
7. Where _____ you _____ ?
A) is / from B) are / in C) are / is D) are / from
8. _____ from Spain. I'm Rodriguez .
A) I'm B) He's C) You're D) She's
9. Pierre is a French boy. _____ from _____ .
A) He's / France B) His's / French
C) His / France D) He / France
10. Lisa and Max are Americans. _____ from U.S.A.
A) There B) Their C) They're D) Their're
11. "What ____ their _____?"
"Alexander and Philip."
A) are/name B) is / name C) is / names
D) are / names
12. I _____ 22 years old, but Andrew _____ 20.
A) am / am B) are / am C) am / is D) are / are
13. Mark _____ 19, but Brian and Denis _____ 26 and 28.
A) is / are B) are / is C) are / are D) am / are
14. "What _____ this?"
"It's _____ umbrella."
A) are / a B) is / a C) is / an D) its / an
15. Oxford is _____ English university.
A) an B) the C) a D) *
16. Toyotas _____ Japanese _____
A) is a / car B) is / car C) are / cars D) is / cars
17. "What is _____ ?"
"She is a bank manager."
A) his job B) she job C) he job D) her job
18. 0/2/11/18/20 Find the correct alternative.
A) oh / twelve / eighteen / twenty
B) zero / two / one-one / eighteen / twenty
C) zero / two / eleven / eighteen / twenty
D) zero / two / eleven / eighty / twenty
19. "How old is your aunt?"
"_____ is 29."
A) She B) He C) She's D) He's
20. "Where _____ she from?"
"She _____ from Japan."
A) are / is B) is / is C) is / am D) are / are
- Verb to be: am/is/are
- Possessive adjectives: my, your, his, her
- Subject Pronouns - Plural nouns & Numbers
21. This _____ my friend. _____ name's Richard.
A) are / His B) is / My C) is / His D) his / His
22. They _____ Lisa and Max. They _____ from the USA.
A) is / is B) are / is C) are / are D) is / is
23. "What is _____ name?" "My name's Carlos."
A) his B) her C) your D) my

24. This is my sister. _____ name is Laura.

A) His B) My C) Her D) Its

25. I have _____ brother. _____ name is David

A) an / His B) a / Her C) a / His D) * / His

26. Hello! My _____ Maria. I _____ Mexico.

A) name is / from am B) is name / from am

C) name is / am from D) name am / is from

27. Is Catherine _____ sister?

A) he B) you C) your D) yours

28. We _____ students.

A) are a B) is C) are D) am

29. I _____ student.

A) is / an B) am / * C) am / a D) am / the

30. She _____ Italy.

A) are from B) is at C) is from D) am from

31. He is _____ teacher.

A) a B) an C) * D) the

32. I live _____ a house _____ Los Angeles.

A) * / in B) in / in C) in / * D) at / in

33. “_____ is your phone number?”
“It’s 2229”

A) Where B) How C) What D) Who

34. “_____ are you?”

“I’m Alex.”

A) Which B) How C) What D) Who

35. What’s this _____ English?

A) * B) in C) at D) on

36. Champagne is _____ French drink.

A) a B) the C) an D) *

37. Oxford is _____ English university.

A) a B) an C) the D) *

38. A Mercedes is _____ German car.

A) a B) an C) the D) *


39. English is _____ international language.

A) a B) an C) the D) *

40. Milan is _____ Italian city.

A) a B) an C) the D) *[8].

Ispring дастурини ишга туширамиз ва фақат битта жавоб тўғри бўладиган режимини танлаймиз. Махсус ойналарга савол ва бу саволга жавоб учун тақдим этилаётган тўртта жавобни киритиб бораверамиз. Шу жавобларнинг тўғрисига махсус белги қўйиб кетамиз (2.1.1-расм).




2.1.1-расм. Ispring дастурида тест саволларни киритиш режими.

Барча саволларни киритиб бўлинганидан сўнг бажарилган ишни электрон шаклда сақлаш керак бўлади. Тайёр бўлган электрон тестни сақлашдан олдин айрим созлашларни бажаришга тўғри келади. Чунки бу созлашлар электрон тестдан фойдаланилаётган вақтда катта аҳамиятга эга. Бунинг учун Ispring дастурининг юқори чап томонида жойлашган Settings тугмаси босилади. Натижада янги ойна ҳосил бўлади (2.1.2-расм).


Бу ойна рўйхатининг биринчи банди Main деб номланган. Бу бандда электрон тестга ном бериш, тестдан ўтиш балини ўрнатиш, тестни бажаришнинг максимал вақтини ўрнатиш ва тест бошланишдан олдинтизим

топширувчининг исмини ва электрон почтасини сўраш функцияларини кўшиш имкониятлари мавжуд. Биз тестни “С даража учун тест саволлари” деб номладик. Ўтиш балини умумий балнинг 55 % миқдорига белгиладик. 20 та савол учун 20 дақиқа этиб белгиланди.



2.1.2-расм. Ispring дастурининг Main бандида созлашларни бажариши.


Question Defaults бандида тест натижалари қандай берилиши созилади. Ҳар бир жавобда унинг тўғри ёки нотўғрилигини фойдаланувчига кўрсатиб кетиш мумкин. Ёки тест топширувчи бу хабарни тестнинг охирида олиши ҳам мумкин (2.1.3-расм).



2.1.3-расм. Ispring дастурининг Question Defaults бандида созлашларни бажариши.

Navigation бандида умумий саволлар ичидан айнан нечтаси берилиш ва уларни кетма-кет ёки тасодифий танлаш мумкин. Бизнинг мисолимизда умумий саволлар сони 40 та бўлиб, шундан 20 таси тасодифан танланиб берилади.


Бунинг учун Show all questions банди эмас, балки Show a subset of 20 random questions банди танланиши керак (2.1.4-расм).



2.1.4-расм. Ispring дастурининг Navigation бандида созлашларни бажариши.

Result бандида эса тест натижасини чиқаришни созлаш мумкин. Масалан бизнинг мисолимизда агар тест топшириувчи умумий ажратилган 55 % ини тўпласа, экранда “Муваффақиятли ўтилди”, ундан кам балл тўпласа “Муваффақиятсиз ўтилди” хабари пайдо бўлади.


Player Custamization бандида эса электрон тест дастурининг интерфейсини созлаш мумкин. Бунинг учун Skin ва Theme функцияларидан фойдаланиш зарур. Бизнинг мисолимизда электрон тест дастурининг интерфейси яшил ранг қилиб белгиланди (2.1.5-расм).



2.1.5-расм. Ispring дастурининг Player Customization бандида созлашларни бажариши.


Барча созлашларни бажаргандан сўнг ОК тугмаси босилади. Энди бемалол электрон тестни сақлаш мумкин. Бунинг учун дастурнинг юқори чап томонида жойлашган Publish тугмаси босилади. Кейин янги ойна чиқади (2.1.6-расм). Бу ойнада электрон тест дастурини сақлаш керак бўлган жойни (бизнинг мисолмизда иш столи кўрсатилган), файл номини (бизнинг мисолмизда C daraja uchun test savollari), файл типини (бизнинг мисолмизда .exe) ва дастур ойнаси ўлчамини кўрсатиш мумкин.

Сўнгра Publish тугмаси босилади. Дастур файли автоматик равишда кўрсатилган жойга сақлайди [12].



2.1.6-расм. Ispring дастурининг Publish бандида созлашларни бажариш.

Яратилган тест куйидаги кўринишни олади:



Ушбу файлни ишга тушириб, тест топширишни бошлаш мумкин.

Определение		
Редактировать Вставить		
По г...	Слова	Определения
2	COUSIN	Aunts son
5	UNCLE	Mothers brother
6	ORPHAN	Child without parents
8	GRANDSON	Daughters son
9	STEPMOTHER	Fathers second wife
10	PARENTS	Mother and father
12	NIECE	Brothers daughter

По в...	Слова	Определения
1	WIDOW	Woman whose husband died
3	SIBLINGS	Brother and sister
4	GRANDMOTHER	Mothers mother
7	NEPHEW	Sisters son
11	AUNT	

Щелкните на слове для добавления определения

2.2.2-расм. HotPotatoes дастурида сўзларга тушунча бериш

OK тугмаси босилгандан сўнг дастур сўзларга мос тушунчаларни қабул қилади. Энди тайёр бўлаётан кроссворднинг дизайнини созлашларни амалга ошириш мумкин. Бунинг учун дастурнинг юқори қисмида жойлашган менюдан Выбор тугмаси босилади. Очилган янги ойнада турли созлашларни амалга ошириш мумкин.

Масалан Названия\Инструкция бандида машққа ном бериш, кроссвордни бажариш юзасидан буйруқларни ёзиш мумкин.

Подсказки\Комментарий бандида кроссворднинг горизонтал ва вертикал йўналишларига тушунча бериш мумкин. Масалан, “Across” ва “Down” ёки “Горизонтал бўйича” ва “Вертикал бўйича” деб ёзиш мумкин.

Агар барча жавобла тўғри киритилса, экранда “Муваффақиятли ўтилди” деган хабар, агар кроссворд тўлиқ тўлдирилмаган ёки нотўғри тўлдирилган бўлса, “Баъзи жавоблар нотўғри” деган хабар пайдо бўлади.

Кроссворд бажариб бўлингандан кейин “Текшириш” тугмаси босилса, “Тўплаган баллингиз” хабаридан сўнг тўпланган балл пайдо бўлади (2.2.4-расм).

Marhamat, krossvordni bajaring.

[Tekshirib ko'rish](#)

Horizantal bo'yicha Vertikal bo'yicha

2. Aunts son	1. Woman whose husband died
5. Mothers brother	3. Brother and sister
6. Child without parents	4. Mothers mother
8. Daughters son	7. Sisters son
9. Fathers second wife	11. Fathers sister

2.2.7-расм. а) HotPotatoes дастурида яратилган кроссворд.

Crossword puzzle "Numerals from 10 to 100"

Crossword

Marhamat, krossvordni bajaring.

[Tekshirib ko'rish](#)

Horizantal bo'yicha Vertikal bo'yicha

1. 30	2. 100
3. 50	4. 14
5. 60	6. 10
9. 13	7. 15
11. 70	8. 40
12. 18	9. 20
13. 12	10. 11
14. 90	

[Index](#) [=>Keyingsiga](#)

2.2.7-расм. а) HotPotatoes дастурида яратилган кроссворд.

Ушбу электрон кроссворд фойдаланишга тайёр.

2.3 Электрон кроссворд ва тестлардан фойдаланиш бўйича қўлланма

Ушбу параграфда яратилган электрон тест ва кроссворддан қандай фойдаланиш керак эканлиги кўрсатиб ўтилади.


HotPotatoes дастурида яратилган кроссвордни Internet Explorer, Opera, Mozilla каби исталган замонавий браузерларда очиш мумкин.

Экранда очилган кроссворднинг устида жойлашган ихтиёрий рақамни босилса, экраннинг тепа қисмида шу қидирилаётган сўз учун тушунча берилади ва сўзни киритиш учун жой кўрсатилади. Тўғри деб ҳисобланган сўзни критиб Enter ёки “Жавоб бериш” тугмаси босилса, кроссворднинг шу майдонида киритилган сўз пайдо бўлади (2.3.1-расм).



2.3.1-расм.а) HotPotatoes дастурида яратилган кроссвордни бажариш.

Биринчи кроссворд оила аъзоларининг номланишига бағишланган. Иккинчи кроссворд эса “Numberals from 10 to 100” деб номланиб, 10 дан 100 гача бўлган сонлар берилган. Шу сонларни сўзда ёзиш талаб этилади (2.3.2-расм).



2.3.1-расм.б) HotPotatoes дастурида яратилган кроссвордни бажариши

Кроссвордни бажариб бўлингандан сўнг “Текшириш” тугмаси босилса, тизим тўпланган баллни эълон қилади.

Ispring дастуридаяратилган тестдан фойдаланиш учун ишга тушириш кифоя. У .exe ёки flash файл бўлиб, қўшимча дастурий восита талаб қилмайди.

Жами қирқта савол бўлиб, шулардан йигирматаси тасодифий берилади. Деярли барча саволлар бутун гапнинг ичидан тушириб қолдирилган сўзни топишга асосланган. Масалан “I ___ student” саволи ва am/the, is/an, am/a, am/* жавоблари берилган. Тўғри жавобни белгилагандан сўнг “Next” тугмасини босиш орқали кейинги саволга ўтиш мумкин.

Агар саволлар қийинлик қилса, уларни ўтказиб юбориш мукин. Лекин охирисида барибир у саволга жавоб беришга тўғри келади. Ҳамма саволга жавоб берилгандан сўнг “Finish” тугмаси босилади (2.3.2-расм).

C daraja uchun tst savollari

Question 14 of 20 Point Value: 10


I _____ student.

am / the
 is / an
 am / a
 am / *

Previous
Next
Finish

2.3.2-расм. Ispring дастурида яратилган тестни бажариши

Агар тест топширувчи умумий саволларнинг 55 фоизига тўғри жавоб берган бўлса, тестдан ўтган ҳисобланади. Тестни бажариб “Finish” тугмаси босилганда тест натижалари эълон қилинади (2.3.3-расм). Экранда “Муваффақиятли ўтилди” хабари чиқади.



Muvaffaqiyatli o'tildi!

Quiz: **C daraja uchun tst savollari**

Total questions:	20	
Total Score:	200	
Your Score:	160	80%
Passing Score:	110	55%
Duration:	2m 21s	

2.3.3-расм. Тест натижаларининг эълон қилиниши.

Бизнинг мисолимизда йигирмата саволнинг ўн олтитасига тўғри жавоб берилган ва 80 балл қўлга киритилган. Бунинг учун икки дақиқа ва йигирма бир сония вақт кетган.

Ойнанинг пастки қисмидаги “Details” тугмаси босилса, қайси саволларга тўғри, қайси саволларга нотўғри жавоб берилганлигини кўриш мумкин (2.3.4-расм).

C daraja uchun tst savollari

Quiz Results Print

#	Question	Results	Points	Awarded
1.	_____ are you from? Japan.	✓	10	10
2.	Is Catherine _____ sister?	✓	10	10
3.	I live _____ a house _____ Los Angeles.	✓	10	10
4.	_____ name is John. And my _____ is Johnson.	✓	10	10
5.	Hello! My _____ Maria. I _____ Mexico.	✓	10	10
6.	What's this _____ English?	✗	10	0
7.	"_____ is your phone number?" "It's 222..."	✓	10	10
8.	I have _____ brother. _____ name is David	✗	10	0
9.	We _____ students.	✓	10	10
10.	"_____ are you?"	✓	10	10

2.3.4-расм. Нотўғри жавобларни кўриш.

Бундан ташқари ушбу маълумотни ойнанинг юқори ўнг бурчагида жойлашган “Print” тугмасини босиб, принтердан чоп қилиш ҳам мумкин.

“To be” феълини замонларда тусланиши мавзусидаги дарс ишланмаси

Дарснинг мақсадлари:

а) Таълимий:

- To be ҳақида маълумот бериш;
- To be ни ўтган замонда тусланиши;
- To be ни ҳозирги замонда тусланиши;
- To be ни келаси замонда тусланиши;

б) Тарбиявий:

To be дан тўғри фойдаланишни ўргатиш.

с) Ривожлантирувчи:

Инглиз тилидан ҳақидаги билимларини бойитиш ва ривожлантириш.

Дарс тури: амалий

Дарсда қўлланиладиган методлар:

- Ақлий ҳужум;
- Инсерт методи.

Дарснинг жиҳози:

- Компьютер;
- Слайдлар;
- Проектор;

Дарсдан кутилаётган натижалар:

- Ўқувчилар To be ҳақида маълумотга эга бўладилар;
- Ўқувчиларда ўтган замонда тусланиши ўрганадилар;
- Ўқувчиларда ҳозирги замонда тусланиши ўрганадилар;
- Ўқувчиларда келаси замонда тусланиши ўрганадилар.

Дарснинг бориши.

Дарснинг ташкилий қисми:

Бу дарсни ташкил этиш учун ўқитувчи компьютер, проекторли хонада дарс бўйича тузилган слайдларни тайёрлаб қўйиши керак.

Дарсинг мазмуни:

Ўқитувчи ўқувчиларга ақлий хужум методини қўллаган ҳолда қуйидаги саволларни беради:

- 1) To be нима?
- 2) Қайси пайтда ишлатилади?
- 3) Вазифаси қандай?

Юқоридаги саволларга жавоб олгач ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрларини тўлдиради ва ўқувчилар томонидан айтилмай қолган фикрларни айтади. Мавзу бўйича тайёрлаб келинган слайдларни проектор орқали ўқувчиларга кўйиб беради ва тушунтиради.

Янги мавзуни мустаҳкамлаш:

Ўқитувчи янги мавзуни мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга инсерт методини қўллаган ҳолда мавзу ҳақида янги сўзларни ўрганиб келишларини вазифа қилиб топширади.

Таянч сўзлар:

Im, is, are, was, were, shall, will

Ўқувчиларни рағбатлантириш:

Ўқитувчи ўқувчиларни баҳолашда қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

- Дарсда фаол қатнашиши;
- Ўз фикрини баён қила олиши;
- Дарсга нисбатан эътиборли бўлшини.

Ўқитувчи ўқувчилар фикрини баён этаётганда уларни гапларини бўлмайд тинглайди ва жавобларни тўғри ёки нотўғрилигига ёки уларнинг ҳаракатига қараб ўқувчиларни баҳолайди.

9 - 10 балл учун 5 баҳо

7 - 8 балл учун 4 баҳо,

5 - 6 балл учун 3 баҳо,

5 баллдан кам ўплаган бола учун эса 2 баҳо қўйилади.

Уйга вазифа:

1. To be ни замонларда қўллаб гап тузиш.

2. Сўроқ гаплар тузиш.

3. Инкор гаплар тузиш.

«To be» мавзусининг технологик харитаси.

Машғулот босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
1 босқич Кириш 10 минут	Саломлашиш. Янги мавзуни доскага ёзиб, унинг мақсади ва кутилаётган натижани э’лон қилиш.	Диққат билан тинглаш ва мавзуни ёзиб олиш
2 босқич Янги мавзуга кириш 20 минут	Янги мавзуга мос саволларни бериб, “Ақлий ҳужум” уюштириш	“Ақлий ҳужум” да фаол иштирок этиш
3 босқич Янги мавзуни ишлаш 20 минут	Янги мавзу бўйича тушунчаларни билдиради ва мавзу бўйича тайёрланган слайдларни тушунтириб беради.	Саволлар беради ва дарсни диққат билан эшитади
4 босқич Янги мавзуни Мустаҳкамлаш 10 минут	Инсерт усулини қўллаган ҳолда янги мавзу оид топшириқларни беради ва уларни бажаришни тушунтиради. Мавзуни мустаҳкамлаш учун яратилган электрон кроссворд ва билимларни назорат қилишда электрон тестдан	Саволлар устида ишлаш ва жавоб топиш

		фойдаланилади.	
4 Якуний минут	босқич 20	Баҳолаш, якуний хулосалар чиқариш, уйга вазифа бериш	Уйга вазифани ёзиб олиш

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Инлиз тилини ўрганиш дарслиги.
2. “Grammar In Use 1” .
3. “Grammar In Use 2” .

ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

Меҳнат муҳофазасининг эргономик асослари. Эргономика инсоннинг меҳнат фаолияти давомида фаолиятнинг самарали бўлишини ва инсон учун қулай шароитлар яратилишини таъминлай оладиган функционал имкониятларни ўрганувчи фандир. Бошқача айтганда, бу фан - инсон характери, машина имкониятлари ва характеристикалари ҳамда муҳит характери орасидаги ўзаро мувофиқлик ҳамда ўзаро таъсирни ўрганувчи фандир.

Эргономика соҳасида “инсон- машина –муҳит” системасининг кафолатли фаолиятини таъминловчи қуйидаги беш хил мувофиқлик мавжуд: маълумотлар (ахборот), биофизик, энергетик, фазовий-антропометрик ва техник-эстетик.

Маълумотлар мувофиқлиги. Мураккаб системаларда ишчи одатда бевосита физик жараёнларни бошқармайди. Чунки, кўпинча хавфлилик нуқтаи назаридан ишчи, ушбу жараённинг бажарилиш жойидан маълум масофада узоқда бўлади. Бошқариш объектлари эса кўринмайдиган, эшитилмайдиган, сезилмайдиган ҳолатда бўлиши мумкин. Ишчи фақатгина ўлчаш асбоблари ва жиҳозларининг кўрсаткичларини кўриши, сигналларни эшитиши ва бу орқали жараён боришини бошқариб, назорат қилиб бориши мумкин. Бу турдаги барча қурилмалар маълумотни акс эттирувчи воситалар деб юритилади. Айрим ҳолларда ишчи бошқариш дастакларидан, ёқиб-ўчиргичлардан ва шу каби бошқа бошқариш жиҳозларидан фойдаланиши мумкин. Бундай бошқариш воситаларининг биргаликдаги ҳолати сенсомоторқурилмалар деб аталади. Маълумотни акс этдирувчи воситалар ва сенсомотор қурилмалар машинанинг ахборот моделини ташкил этади. Ишчи ушбу модел орқали энг мураккаб системаларни ҳам хавфсиз бошқариши мумкин бўлади.

Меҳнат муҳофазасининг эргономик асослари. Эргономика инсоннинг меҳнат фаолияти давомида фаолиятнинг самарали бўлишини ва инсон учун қулай шароитлар яратилишини таъминлай оладиган функционал

имкониятларни ўрганувчи фандир. Бошқача айтганда, бу фан - инсон характери, машина имкониятлари ва характеристикалари ҳамда муҳит характери орасидаги ўзаро мувофиқлик ҳамда ўзаро таъсирни ўрганувчи фандир.

Эргономика соҳасида “инсон- машина –муҳит” системасининг кафолатли фаолиятини таъминловчи қуйидаги беш хил мувофиқлик мавжуд: маълумотлар (ахборот), биофизик, энергетик, фазовий-антропометрик ва техник-эстетик.

Маълумотлар мувофиқлиги. Мураккаб системаларда ишчи одатда бевосита физик жараёнларни бошқармайди. Чунки, кўпинча хавфлилик нуқтаи назаридан ишчи, ушбу жараённинг бажарилиш жойидан маълум масофада узоқда бўлади. Бошқариш объектлари эса кўринмайдиган, эшитилмайдиган, сезилмайдиган ҳолатда бўлиши мумкин. Ишчи фақатгина ўлчаш асбоблари ва жиҳозларининг кўрсаткичларини кўриши, сигналларни эшитиши ва бу орқали жараён боришини бошқариб, назорат қилиб бориши мумкин. Бу турдаги барча қурилмалар маълумотни акс эттирувчи воситалар деб юритилади. Айрим ҳолларда ишчи бошқариш дастакларидан, ёқиб-ўчиргичлардан ва шу каби бошқа бошқариш жиҳозларидан фойдаланиши мумкин. Бундай бошқариш воситаларининг биргаликдаги ҳолати сенсомоторқурилмалар деб аталади. Маълумотни акс этдирувчи воситалар ва сенсомотор қурилмалар машинанинг ахборот моделини ташкил этади. Ишчи ушбу модел орқали энг мураккаб системаларни ҳам хавфсиз бошқариши мумкин бўлади.

Меҳнат муҳофазасининг эргономик асослари. Эргономика инсоннинг меҳнат фаолияти давомида фаолиятнинг самарали бўлишини ва инсон учун қулай шароитлар яратилишини таъминлай оладиган функционал имкониятларни ўрганувчи фандир. Бошқача айтганда, бу фан - инсон характери, машина имкониятлари ва характеристикалари ҳамда муҳит характери орасидаги ўзаро мувофиқлик ҳамда ўзаро таъсирни ўрганувчи фандир.

Эргономика соҳасида “инсон- машина –муҳит” системасининг кафолатли фаолиятини таъминловчи кўйидаги беш хил мувофиқлик мавжуд: маълумотлар (ахборот), биофизик, энергетик, фазовий-антропометрик ва техник-эстетик.

Маълумотлар мувофиқлиги. Мураккаб системаларда ишчи одатда бевосита физик жараёнларни бошқармайди. Чунки, кўпинча хавфлилик нуқтаи назаридан ишчи, ушбу жараённинг бажарилиш жойидан маълум масофада узоқда бўлади. Бошқариш объектлари эса кўринмайдиган, эшитилмайдиган, сезилмайдиган ҳолатда бўлиши мумкин. Ишчи фақатгина ўлчаш асбоблари ва жиҳозларининг кўрсаткичларини кўриши, сигналларни эшитиши ва бу орқали жараён боришини бошқариб, назорат қилиб бориши мумкин. Бу турдаги барча қурилмалар маълумотни акс эттирувчи воситалар деб юритилади. Айрим ҳолларда ишчи бошқариш дастакларидан, ёқиб-ўчиргичлардан ва шу каби бошқа бошқариш жиҳозларидан фойдаланиши мумкин. Бундай бошқариш воситаларининг биргаликдаги ҳолати сенсомоторқурилмалар деб аталади. Маълумотни акс этдирувчи воситалар ва сенсомотор қурилмалар машинанинг ахборот моделини ташкил этади. Ишчи ушбу модел орқали энг мураккаб системаларни ҳам хавфсиз бошқариши мумкин бўлади.

Иш даврида машинанинг барча технологик ва энергетик кўрсаткичларини таъминлайдиган ва шу билан бир вақтда ишчининг хотираси ва фикрини чарчатмасдан (зўриқтирмасдан) барча маълумотларни қабул қилиш ҳамда қайта ишлаш имконини берадиган маълумот моделини яратиш - эргономиканинг асосий вазифаси ҳисобланади. Албатта, бу масала ечими хавфсизликни таъминлаш, ишдаги аниқлик, сифат, иш унумдорлиги каби кўрсаткичларга боғлиқ бўлади. Шу сабабли, маълумот модели инсоннинг психофизиологик имкониятларига мос келиши зарур.

Биофизик мувофиқлик. Биофизик мувофиқлик деганда, ишчининг мақбул иш қобилиятини ва меъёрий физиологик ҳолатини таъминлайдиган

меҳнат шароитини яратиш тушунилади. Меҳнат шароитининг асосий омилларини рухсат этилган миқдорлари (РЭМ) стандарт асосида белгиланган. Лекин, улар кўпинча ишчининг функционал вазифалари билан боғланмаган бўлади. Шу сабабли, машиналарни ишлаб чиқишда (лойиҳалашда) шовқин, титраш, ёритилганлик, ҳаво муҳити ва шу каби омилларни махсус тадқиқот қилиш ва уларнинг миқдорларини РЭМ бўйича ўрнатиш талаб этилади.

Маълумки, инсоннинг куч ва энергетик кўрсаткичлари маълум чегарага эгадир. Сенсомотор қурилмаларини ҳаракатга келтириш кўп ёки жуда кам куч талаб этиши мумкин. Биринчи ҳолда, инсон тез чарчаши ва бу бошқарилувчи системада кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Иккинчи ҳолатда эса, ишчи иш дастаги қаршилигини ҳис қилмаганлиги сабабли иш аниқлиги пасайиши мумкин.

Энергетик мувофиқлик деганда, сарфланадиган куч, қувват, тезлик ва ҳаракат аниқлиги нисбатида машинанинг сенсомотор қурилмалари билан инсоннинг оптимал имкониятларини мос келиши тушунилади.

Фазовий-антропометрик мувофиқлик - фаолият даврида, яъни ишни бажариш вақтида, инсоннинг гавда ўлчамларини, ташқи фазовий имкониятларини, ишчининг иш ҳолатидаги гавда жойлашувини ҳисобга олиш демакдир. Бу масалани ечиш иш жойи ҳажмини, ишчининг фаолият давридаги охирги таъсир нуқтасини, бошқариш асбобларидан ишчигача бўлган масофани аниқлаш орқали амалга оширилади. Ушбу масала ечимининг мураккаб томони инсоннинг антропометрик кўрсаткичларини турличалигидадир. Масалан, ўртача узунликдаги кишини қаноатлантирган ўтиргич паст ёки узун бўйли кишилар учун ноқулайлик туғдиради. Хўш, бундай ҳолатда қандай иш тутмоқ лозим? Албатта, бу саволга эргономика жавоб беради.

Техник-эстетик мувофиқлик – машина ва иш технологиясини техник-эстетик жиҳатдан ишчининг талабини қаноатлантиришидир. Инсон машинада иш бажарганда ёки асбоб ва қурилмалардан фойдаланганда ўзида

ижобий ҳиссиётлар ҳосил қилиши, яъни, ҳар қандай машинанинг ташқи кўриниши, шакли, қулайлиги, ранги ва бошқа кўрсаткичлари ҳам иш жараёнига, ҳам ишчининг ҳиссиётига мос келиши лозим. Бу масалани ечишда эргономика конструкторлар, дизайнерлар, рассомлардан фойдаланади.

Меҳнат хавфсизлигининг психологик асослари. Замонавий ишлаб чиқариш шароитида бахтсиз ҳодисаларни (жароҳатланишлар, шикастланишлар, касалланишлар, ёнғинлар ва б.) камайтириш муаммосини фақатгина муҳандислик услублари орқали ҳал этиб бўлмайди. Шу сабабли, меҳнат хавфсизлиги психологияси фаолият хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Тажрибаларнинг кўрсатишича ишлаб чиқаришдаги авариялар ва жароҳатланишларнинг кўпчилиги машиналардаги муҳандислик-конструкторлик нуқсонлар ёки техник-технологик сабаблар орқали эмас, балки ташкилий-психологик яъни, хавфсизлик техникаси бўйича етарли билимга эга бўлмаслик, етарли даражада ўқитилмаслик, ишчининг билиб-билмай хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслиги, хавфли ишларга махсус ўқишлардан ўтмаганларга рухсат бериш, ишга мутахассислик бўйича қабул қилмаслик ва шу каби қатор сабаблар таъсирида юз беради. Шу сабабли, кўпинча жароҳатланишларнинг 60-70 фоизига бевосита жароҳатланувчиларнинг ўзлари айбдор бўлади.

Хавфсизлик психологияси деганда инсоннинг меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган психологик билимлардан фойдаланиш тушунилади. Хавфсизлик психологияси меҳнат фаолияти жараёнида юз берадиган руҳий жараёнларни, руҳий хусусияларни ва руҳий ҳолатларни чуқур ўрганади ва таҳлил қилади. Шунга боғлиқ ҳолда, инсоннинг руҳий фаолиятини уч хил компонентга ажратиш мумкин, яъни, руҳий жараёнлар, хусусиятлар ва ҳолатлар.

Рухий жараёнлар рухий фаолиятнинг асосини ташкил этади. Рухий жараёнлар билиш, эмоционал ва иродавий сезиш (ҳис қилиш, идрок қилиш, хотирлаш ва б.) каби турларга бўлинади.

Рухий хусусиятлар (шахсий фазилатлар). Рухий хусусиятларга инсоннинг характери, дунёқараши, фикрлаш қобилияти, шахсий фазилатларга эса интеллектуал, эмоционал, ахлоқий ва меҳнат қобилияти ҳамда иродаси киради. Хусусиятлар турғун ва доимий ҳисобланади.

Рухий ҳолат - рухий жараёнларга ижобий ёки салбий таъсир этувчи рухий фаолият хусусиятини билдиради.

Меҳнат психологияси вазифалари ҳамда меҳнат хавфсизлиги психологияси муаммоларидан келиб чиққан ҳолда рухий ҳолатни ишлаб чиқариш рухий ҳолати ва махсус рухий ҳолатларга ажратиш мумкин. Махсус рухий ҳолат ишлаб чиқариш жароҳатлари, шикастланишлар ва шу каби кўнгилсиз оқибатлар бўйича профилактик тадбирларни ташкиллаштиришда юзага келиши мумкин.

Инсоннинг меҳнат фаолияти самарадорлиги (иш қобилияти) рухий зўриқиш, яъни, ҳаяжонланиш даражасига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Рухий зўриқиш маълум чегарагача иш натижасига ижобий таъсир кўрсатади. Лекин, бу хусусиятни чегарадан, яъни критик даражадан ортиқ бўлиши иш қобилиятини пасайишидан тортиб умуман йўқолишигача олиб келиши мумкин. Бундай рухий зўриқиш, чегарадан ташқари зўриқиш деб белгиланади. Ишчининг меҳнат фаолияти давридаги меъёрий рухий юкланганлиги максималъ юкланиш даражасининг 40-60 фоизини ташкил этиши лозим, акс ҳолда, юкланганликнинг бу чегарадан ошиши ишчининг иш қобилиятини сусайишига олиб келади.

Чегарадан ташқари рухий зўриқиш тормозли ва асабий кўринишларга бўлинади. Тормозли рухий зўриқиш ҳаракатнинг чекланганлиги ва секинлашиши орқали характерланади. Бундай ҳолатда, ишчи олдинги ҳолатидагидай эпчиллик, чаққонлик ва усталлик билан ўз касбий маҳоратини

намоён қила олмайди, яъни фикрлаш жараёни секинлашади, эслаш қобиляти сусаяди, ва шу каби бошқа салбий белгилар юзага келади.

Асабий зўриқиш, ҳаяжонланиш, руҳий зўриқиш гиперактивлиги, кўп сўзлилиқ, кўл ва овоз қалтираши каби белгиларда намоён бўлади. Бундай ҳолатда ишчи дағал, хафакон кўринишга тушиши, тез-тез беихтиёр иш жиҳозлари ва асбоблари ҳолатини кузатиши, уст-кийимини тўғрилаши, кўлини артиши ва шу каби қилиқларни бажариши кузатилади. Албатта, бу ҳолатларнинг барчаси хатога йўл қўйилишига ва натижада бахтсиз ҳодисаларни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ишчининг руҳий ишончлилигини белгиловчи алоҳида руҳий ҳолатлар: пароксизмал ҳушдан кетиш, кайфиятни психоген ўзгариши, руҳий актив воситаларни (стимуляторлар, транквилизаторлар, алкоголь ичимликлар) қабул қилиш таъсиридаги руҳий ўзгаришлар кўринишларида бўлади.

Пароксизмалъ ҳолат – турли хил тоифадаги ҳушдан кетиш (бош мианинг органик касалланиши, эпилепсия, ҳушдан кетиш), яъни, бир неча секунддан бир неча минут оралиғида ҳушни йўқотишдир. Албатта, бундай ҳолат турли хил оғир оқибатларга олиб келувчи, баъзида ўлим билан туговчи бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин.

Психоген ўзгаришлар ва «аффектив» (аффект-ҳиссий портлаш, эмоционал портлаш) ҳолатлар руҳий таъсир орқали юзага келади. Кайфиятнинг тушиши ва апатия бир неча соатдан бир неча ойгача давом этиши мумкин. Албатта, бунга турли хил кўнгилсиз ҳодисалар, ихтилофли, можароли вазиятлар сабаб бўлади. Бундай ҳолатда бефарқлик, ланжлик, лоҳаслик, тормозланганлик, эътиборсизлик, мускул ҳаракатининг сусайиши содир бўлиши юзага келади ва бу ҳолатлар ўз-ўзини назорат қилиш қобилятини сусайишига, натижа эса турли кўринишдаги бахтсиз ҳодисаларни келиб чиқишига олиб келиши мумкин.

Хафа бўлиш, ҳақоратланиш, ишлаб чиқаришдаги муваффақиятсизлик оқибатида эса аффектив ҳолат юзага келади. Инсонда, аффектив ҳолат вақтида фикрлаш-тафаккурлашнинг психоген (эмоциональ) торайиши

кузатилади. Бунда ҳаракатнинг тезлиги, агрессивлиги ва кўполлиги ортади. Рухий актив воситалар, яъни дори-дармонлар ва алкоголь ичимликларни қабул қилиш ҳам руҳий ҳолатни салбий ўзгаришига олиб келади. Рухий актив воситаларга актив стимуляторлар (первитин, фенамин) ва транквилизаторлар (седуксен, элениум) киради.

Ушбу дорилар асабийлашишни камайтириб, хотиржамликка олиб келиш билан бир қаторда, руҳий активликни камайтиради, реакция тезлигини сусайтиради, апатия ва уйқусирашга сабаб бўлади. Бу эса, меҳнат фаолияти даврида йўл қўйиб бўлмайдиган хатоларга шароит туғдиради ҳамда бахтсиз ходисаларни келтириб чиқаради.

Рухий фаолиятни маиший ва ишлаб чиқариш омиллари таъсирида ўзгариши ишлаб чиқариш фаолиятидаги муҳандис-ташқилотчилар олдида ишчининг руҳий ҳолатини назорат қилувчи системани вужудга келтириш ҳамда такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Компьютерда ишлашда хавфсизликнинг умумий талаблари. Компьютер ва оргтехникаларда доимий иш олиб бориш учун ёши 18 дан кам бўлмаган, ишни хавфсиз олиб бориш бўйича ўқув дастурини ўтаган меҳнат муҳофазаси бўйича ишни бошлаш учун олдидан йўриқнома олган, тиббий кўриқдан ўтган шахслар жалб қилинади. Компьютер ва оргтехникаларда вақтинча иш олиб борадиган шахсларга ҳам меҳнат муҳофазаси йўриқлари берилади.

Компьютер ва оргтехникалари билан доимий ишларга жалб етилган шахслар ишга кириш олдидан ва кейинчалик бир йилда бир марта даврий тиббий кўриқдан ўтиб туришлари шарт. Компьютер ва оргтехника жихозлари билан иш олиб боришда ҳар бир кишига талаб қилинадиган хона майдони 6 метр квадратдан, куб ҳисобидан 20 метр кубдан кам бўлмаслиги лозим. Компьютер ва оргтехникаларда ишлаш учун руҳсат етилган шахсларнинг иш жойларида чекишлари, шунингдек иш бошлаш олдидан, иш вақтида спиртли ичимликлар истеъмол қилишлари ман етилади.

Компьютер ва оргтехникаларда ишлашга бегона шахсларга рухсат этилмайди. Ускуна ишлашида сезилган барча носозликлар ҳақида унинг хавфсиз иши учун жавобгар бўлган шахсларга хабар берилади.

Ўзини ёмон ҳис қилган шахсларнинг ускуна билан ишлашига рухсат этилмайди. Ёруғлик манбаи етарли бўлмаганда ишлашга рухсат этилмайди.

Компьютер ва оргтехникалари «ерга қисқа туташуви» ишончли яъни «ерга қисқа туташув» воситасининг енг узок нуқтасидаги қаршилиги 2 оmdан кўп бўлмаслиги керак. Монитор протсессор ва принтерларни орқа деворларига шунингдек кабелларни улаш жойларига Компьютер ва оргтехникаларида ишловчи шахсларнинг сунъий бўлмаган матолардан тикилган кийимларда ишлашлари талаб этилади.

Ёнғин содир бўлганда Компьютер ва органик техникаларда ўт ўчирув суюқликлари билан ёнғинни ўчириш ман этилади. Компьютер ва оргтехникаларни тоққа қўшилган холда назоратсиз қолдирмаслик керак. Принтерлардан фойдаланишда тоқдан ажратилган холда принтерни, Компьютер ва протсессорларга тўғри улангандан кейин электр токига улансин.

Иш бошлашдан олдин хавфсизлик талаблари. Иш бошлашдан олдин юмшоқ қуруқ мато билан Компьютер ва жиҳозларни тозалаш зарур. Иш жойларини йиғиштириш ҳалақит берадиган буюмлардан ҳоли қилиш, электр ускунаси «ерга қисқа туташуви»нинг ишончлигини текшириб кўриш. Электр ускунаси (Компьютер ва органик техникалар)ни электр манбаига улаш тартиби қуйдаги схема асосида амалга оширилади;

-протсессор

-монитор

-принтер

Иш вақтида хавфсизлик талаблари:

Компьютерда ишлаганда кўзнинг кўрувчи анализаторининг толиқмаслиги учун кўздан Компьютергача бўлган масофа 60-70см ни ташкил этиши ва бу орқали масофанинг 50см дан кам бўлмаслиги талаб

этилади. Нам кийим ва нам қўллар билан ишлаш ман этилади. Иш жараёнида диққатни бир жойга жамлаш, чалғимаслик ва бошқаларни ҳам чалғитмаслик керак. 8 соатлик иш кунда операторнинг узлуксиз иш вақти ҳар 45-50 дақиқадан кейин 10-15 дақиқалик танаффуслар билан давом эттириши лозим. Ушбу танаффуслар иш вақтида ҳисобланади.

Компьютер ва оргтехникалари билан ишлаганда иш ва дам олиш вақтлари давомийлиги бажарилаётган ишнинг узлуксизлиги ва характерига асосланади. Узлуксиз равишда маълумотлар киритиш, программалар тузиш экранда маълумотларни ўқишда видеомонитор билан ишлаш жараёнини кунлик иш давомида 4-соатдан ошмаслиги керак иш кунининг қолган вақти бошқа ишлар билан шуғулланиш учун сарф этилади. Кунлик иш давомида стереотип иш ҳаракатлари сони 40000 дан ошмаслиги лозим. Операторлар ишини енгиллатиш мақсадида уларнинг иш юкланишлари бир хилда тақсимлаш ва ҳар соҳада иш олиб борувчини рационал тарзда давом эттириш талаб этилади. Оператор ўзини ёмон ҳис қилганда дарҳол ишни тўхтатиши, иш жойини хавфсиз ҳолатга келтириши, иш бошқарувчини бу хавфдан огоҳлантириши ва лозим бўлганда тиббиёт ходимларига мурожат этиши керак.

Авария ҳолатида хавфсизлик талаблари:

Компьютер ва оргтехникаларида ишлаётганда бегона товуш, бузилиши сезилганда ёки иш бажараётиб авария ҳолат юзага келганда қуйдагиларни амалга ошириш талаб этилади.

- ишни дарҳол тўхтатиш;
- ишловчиларни хавф ҳақида огоҳлантириш;
- иш берувчига хабар бериш ва аварияни бартараф этишда бевосита иштирок этиш;
- зудлик билан носозликни бартараф этиш;

Инсонлар билан бахтсиз ҳодиса рўй берганда уларга илк тиббий ёрдам кўрсатиш иш берувчига хабар бериш, бахтсиз ҳодиса содир бўлган ҳолатни қандай бўлса шу ҳолатда сақлаб туриш лозим.

Ишни тугатишда хавфсизлик талаблари:

Компьютер ва оргтехникаларини электр манбаидан ажратиш тартиби куйидаги схема асосида амалга оширилади;

- принтер
- процессор
- монитор

Иш жойи тартибга келтирилади, чанг ва кирдан тозаланади. Иш куни давомида аниқланган барча носозликлар ҳақида иш берувчига хабар берилади.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши, ахборот-коммуникация технологияларини фаол ўзлаштириши, замонавий касб-ҳунар, хорижий тилларни ўрганиши учун барча имкониятлар яратилган. Бугун ёшларимиз ана шундай улкан имкониятлардан самарали фойдаланмоқда. Хусусан, таълим тизимининг барча босқичларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида юз минглаб ўғил-қизларимиз муайян мутахассислик бўйича таълим олиш билан бирга чет тилларини ҳам пухта ўрганмоқдалар.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1875 сонли қарори билимли, зукко йигит-қизлар сафини янада кенгайтириш, уларнинг халқаро кўламда илм олишга бўлган қизиқишини кучайтириш, хорижий тилларни билиш даражасини юксалтиришда дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу Қарор мамлакатимизда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратмоқда.

Битирув малакавий ишини бажариш даврида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- ўқувчилар билимини назорат қилишда кроссворд ва тестларнинг аҳамияти ёритиб берлди. Электрон тестларни яратишда Ispring, кроссвордлар яратишда эса HotPotatoes ва Microsoft Excel дастурларининг имкониятлари ўрганилди;

-Ispring дастурида касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари талабалари учун инглиз тилидан билимни назорат қилувчи электрон тест яратилди;

- HotPotatoes дастурида инглиз тилидан билимларни мустаҳкамлашга доир электрон кроссворд яратилди;

Битирув малакавий ишини қуйидагича хулосалаш мумкин:

1. Мамлакатимизда чет тилларини ўрганишга бўлган эътибор четтилларни ўқитишда илғор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланишни тақозо этади. Ўқувчилар билимини назорат қилишнинг тест шаклидан фойдаланиш ва ўқувчиларнинг инглиз тилидан билимларини мустаҳкамлашда қизиқарли электрон кроссвордларни қўллаш анча самарали ҳисобланади.
2. Электрон тестларни яратувчи бир қанча дастурлар мавжуд. Масалан Adit Test, Tester ва ҳақозо. Ispring дастури электрон тестларни яратишда анча қулайдир. Чунки бу дастурнинг кўплаб имкониятлари мавжуд бўлиб, унда турли шаклдаги ва мазмундаги тестларни яратиш мумкин. Шу билан бирга бу дастур қулай интерфейсга эга.
3. HotPotatoes дастурида электрон кроссвордларни яратиш анча қулайдир. Чунки бу дастур киритилган сўзларни автоматик тарзда кроссворд шаклда жойлаштиради.
4. Яратилган электрон тест ва кроссвордларни ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. (www.press-servis.uz)
2. Асқаров Ў., Нишонов М., Ҳайитбаев Н. «Педагогика» Тошкент. 2008.
3. Абдуллаев Ш., Содиқова А. «Янги педагогик технологиялар». Маърузалар матни. Тошкент. 2009.
4. Мигранова Е. А. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси». Маърузалар матни. Тошкент. 2011.
5. Соловов А. В. Электронное обучение: проблематика, дидактика, технология. Самара: «Новая техника», 2006. – 464 с.
6. Беляев М. И., Гриншкун В. В., Краснова Г. А. Н. А. Савченко «Технология создания электронных средств обучения» - М.: Мир, 1990.
7. Ҳ. Ҳ. Шомирзаев. Меҳнатмуҳофазасиваёнфининг олдини олиш тадбирлари. Т., «Ўқитувчи», 1984 й.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчи курслари учун мўлжалланган тестлар тўплами.
9. “General introduction and help” HotPotatoes дастуридан фойдаланиш қўлланмаси.
10. Башмаков А. И. Разработка компьютерных учебников и обучающих систем – М.: Филинь, 2003. – 616 с.
11. Информатика и ИКТ. Учебник. 10 класс. Базовый уровень/Под ред. проф. Н. В. Макаровой. -СПб.: Питер, 2007. -256 с.: ил.
12. www.ispringsolutions.com
13. <http://uz.infocom.uz/2012/10/30/boshlangich-sinflarda-akt/>
14. http://fikir.uz/posts/talim_fan_taraqqiyoti/9804.html
15. <http://vu.tuit.uz/?go=clectures/view/50/lecture/746>